

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2025 йил декабрь ойининг 19 куни, жиноят ишлари бўйича Кармана туман судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб, раислик қилувчи, судья Б.Имомов, судья ёрдамчиси У.Рўзиевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Кармана туман прокурори катта ёрдамчиси Ж.Шариповнинг қатнашувида, судланувчи Р.Кадиров ва унинг ҳимоячиси Д.Шариповнинг иштирокида, Кадиров Расул Рахматовичга нисбатан № 1-2103-2501/299-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

1986 йил 15 декабрь куни Фарғона вилояти Қўқон шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 4 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, яқка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланади, Фарғона вилояти Қўқон шаҳри “Марғилон дарвоза” МФЙ Шарқ кўчаси, 6-уй 9-хонадонда яшайди, иш бўйича 2025 йил 9 октябрь куни “Гаров” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2025 йил 18 ноябрь куни олган **Кадиров Расул Рахматович** (Kadirov Rasul Rahmatovich).

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Р.Кадиров 2025 йил 30 август куни соат 20:30да, Навоий вилояти ИИБ ТҚХ ТҚКБ ходимлари томонидан, Республика миқёсида ўтказилаётган “Қорадори-2025” тезкор профилактик тадбири давомида, Кармана тумани, “Шибзон” МФЙ, ҳудудида жойлашган “Самарқанд” мунтазам ИПХ масканида, фуқаро Таиров Нозим Мансуровичнинг бошқарувида бўлган “Chevrolet Tracker” русумли 40 R 183 QV давлат рақам белгили автомашинаси тўхтатилиб текширилган вақтда, йўловчи бўлиб кетаётган унинг ёнлари кўздан кечирилганда, унинг шими ўнг чўнтагидан 1 (бир) дона шаффоф рангли, целлофан бўлаги ўрами ичида бўлган, пастасимон, преслданган ҳолдаги, яшил-қўнғир рангли, ўзига хос ўткир ҳидли Навоий вилояти ИИБ ЭКМнинг 31.08.2025 йилдаги №715-сонли судга оид кимёвий экспертиза хулосасига кўра, соф вазни 0,56 грамм миқдорда, шунингдек, автомашина бари ичида 1 (бир) дона 5.000 (беш минг) сўмлик купюра ўрами ичида бўлган, майдаланган, ўтсимон, ёпишқоқ ҳолдаги, сарғишқўнғир рангли, ўзига хос ўткир ҳидли 31.08.2025 йилдаги №714-сонли судга оид кимёвий экспертиза хулосасига кўра, соф вазни 0,56 грамм миқдорда бўлган гашиш гиёҳвандлик воситасини келгусида ўтказиш мақсадини кўзламасдан ўзининг истеъмоли учун сақлаб келаётганлиги



аниқланиб, гиёҳвандлик воситаси холислар иштирокида далилий ашё тарикасида хужжатлаштириб олинган.

Судланувчи Р.Кадиров суд мажлисида, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, у 2 йилдан буён Фарғона шаҳар бўйлаб, отасига тегишли Матиз русумли автомашинада, киракашлик қилиб келганлигини, у 2025 йил август ойининг бошларида, киракашлик қилиб юрганида, автомашинада одам йўқлигидан ва кун исиб кетганлигини фойдаланиб, Қўқон шаҳридан чиқиб, кетишда жойлашган, Бешариқ туманининг кириш йўлидаги, чўмиладиган сойга борган вақтида, сой четида, ёввойи тарзда ўсиб турган каннабис ўсимлигини кўрганлигини, ушбу ўсимликни у интернет ижтимоий тармоқларидан кўрганлиги учун бошқа ўсимликлардан дарҳол ажратиб олганлигини, ўсимликни олдига борганида, бўйи тахминан 70-80 смлар келадиган, ўткир хидли каннабис ўсимлигини олдига бориб, унинг барглари юлиб олганлигини, шундан сўнг эгнидаги кийимининг чўнтагига солиб, келгусида ўзининг учун олиб кўриб қолмасин деган мақсадда, яшаш уйида ҳеч ким бўлмаган вақтда, эзиб, чиққан чангини табада пишириб олганлигини, шундан сўнг истеъмоли учун, ушбу ҳосил бўлган гиёҳвандлик моддасини тирноқдай ҳолатга келганда, оқ рангли полиэтилен пакетга солиб, ёнида олиб юрганлигини, унга шифокорлар спиртли ичимликни истеъмол қилишни мутлақо мумкин эмаслигини айтганлиги сабабли, онда сонда, гиёҳвандлик моддасидан, сигарет махоркасига аралаштириб, чекиб турганлигини, 2025 йил 28 август куни у Самарқанд ва Бухоро вилоятларига саёҳатга бориш мақсадида, танишлари Н.Таиров ҳамда Л.Қосимовларни таклиф қилганлигини, улар уни таклифига рози бўлганлигини, шундан сўнг улар Нозимга тегишли бўлган 40 В 183 QВ давлат рақам белгили автомашинада, йўлга чиққанлигини, 29 август куни Самарқанд вилоятига етиб келиб, саёҳат қиладиган жойларни айланиб, Самарқанд вилоятидаги меҳмонхоналарни бирига жойлашиб, сўнгра саёҳатни Бухоро вилоятида давом эттириш мақсадида, 30 август кунида Бухоро вилоятига томон ҳаракатланишни бошлаганлигини, соат 18:10 ларда Навоий Самарқанд мунтазам постида, Нозимнинг бошқарувидаги автомашинани ИИБ ходимлари тўхтатишганлигини, ўзларини таништириб, тегишли хужжатларни тақдим этишини, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида “Қора дори 2025 2-босқич” тадбири кетаётганлигини, шу сабабли, автомашинани икки нафар холислар иштирокида кўздан кечиришларини, агарда уларда ёки автомашинада қонунга хилоф нарса буюмлар бўлса ўзининг хоҳиши билан тақдим этиши мумкинлигини маълум қилганлигини, шундан сўнг унинг ёнларини ИИБ ходимлари текшираётган вақтда, ўнг чўнтагидан оқ рангли полиэтилен пакетга ўралган гиёҳвандлик моддаси, бир дона тешилган ангишвона ва бир дона оқ қизил рангли таблетка аниқланганлигини, ушбу гиёҳвандлик моддасини электрон тарозидан ўлчаб кўрилганда, 0,60 граммни ташкил қилганлигини, шундан сўнг автомашинани кўздан кечириш давом эттирилганда, автомашинанинг бар қисми ёнидан 5000 сўмлик купюрага ўралган, гашиш гиёҳвандлик моддасини аралашмаси аниқланиб, электрон тарозидан ўлчаб кўрилганда, пул билан биргаликда 1,57 граммни ташкил



қилганлигини, ушбу гиёҳвандлик моддасини нима мақсадда, ўзи билан олиб юрганлигини сўрашганларида, ўзининг истеъмоли учун, олиб юрганлигини маълум қилганлигини, шундан сўнг ИИБ ходимлари баённома расмийлаштириб бўлишгач, иштирокчиларга баланд овозда ўқиб эшиттирганлигини, иштирокчиларда ва унда ҳеч қандай қўшимча эътирозлар бўлмаганлиги сабабли, баённомага имзо қўйиб тасдиқлаб берганлигини, у ўзидан аниқланган, оқ рангли полиэтилен пакетга ўралган гашиш гиёҳвандлик моддасини ва 5000 сўмлик купюрага ўралган гашиш билан сегарет маҳоркаси аралашмасини, 2025 йил август ойининг бошларида, Бешариқ туманининг кираверишида, чўмиладиган сув ҳавзасининг бўйида ёввойи тарзда каннабис ўсимлигини, ўсиб ётганлигини кўриб, унинг барглари юлиб олиб, ўзининг истеъмоли учун, уйга олиб бориб тайёрлаб ихчамроқ бўлиши учун, қовуриб олиб, ёнида оқ рангли полиэтилен пакетга ўраб сақлаб келаётганлигини, Самарқанд вилоятидан чиқишда ҳожатхонага кириб, 5000 сўмлик купюранинг ичига тамаки маҳоркасига аралаштириб тайёрлаб, алоҳида алоҳида чўнтақларига солиб қўйганлигини, унда ушбу гиёҳвандлик моддасини сотиш нияти бўлмаганлигини, ҳозирда қилган ишидан пушаймонлигини, бу ҳолат бошқа такрорланмаслигини билдириб, суддан енгиллик сўраб кўрсатув берди.

Гувоҳ Н.Тоиров ВКА тизими орқали суд мажлисида, 2025 йил 28 август куни Қўқон шаҳридаги таниши, Кадиров Расул Бухоро шаҳрига бориб айланиб келиш таклифини айтиб илтимос қилганлигини, шундан сўнг уларнинг яна бир таниши Лазизхон ҳам Бухоро вилоятига бориб, айланиб келмоқчи бўлганлигини, шундан сўнг улар ҳаммаси унга тегишли бўлган автомашинадан, Бухоро вилоятига боришга келишиб, 40 R 183 ОВ давлат рақам белгили автомашинада йўлга чиқиб, ушбу автомашинада, 29 август куни Самарқанд вилоятига кириб келганлигини, Самарқанд шаҳарда бироз айлангандан сўнг, меҳмонхонага жойлашганлигини, бир кун муддат Самарқанд шаҳарда бўлганидан сўнг, Бухоро вилоятига томон йўлга чиқиб ҳаракатини давом эттирганлигини, унга тегишли бўлган 40 R 183 ОВ давлат рақам белгили, Треккер русумли автомашинасида, йўлга чиққанлигини, улар автомашинада М-37 автомобиль йўли билан тўғрига ҳаракатланиб келаётган вақтида, Самарқанд-Навоий ЙПХ масканида уларни автомашинани ИИБ ходимлари тўхтатганлигини, автомашинадан у тушунганидан сўнг, ИИБ ходими ҳужжатларни сўраб, Республика ҳудудида, профилактик тезкор тадбир кетаётганлигини, автомашинани икки нафар холис иштирокида кўздан кечириш керак эканлигини айтишиб, уларни ёнини ва автомашинани кўздан кечириётган вақтларида, ёнида ўтирган Расулнинг ёнида, оқ рангли полиэтилен пакетга ўралган, яшил-кўнғир рангли ўткир ҳидли, гиёҳвандлик моддасига ўхшаш модда аниқланганлигини, кўздан кечириш давомида, автомашинанинг бар қисми ёнидан, 5000 сўмлик купюрага ўралган, ичида гиёҳвандлик моддасига ўхшаш ўткир ҳидли модда бор эканлиги аниқланганлигини, ушбу гиёҳвандлик моддасини қоғози билан биргаликда электрон тарозида ўлчаб кўрилганда, 1,57 гарммни ташкил қилганлигини, биринчи аниқланган оқ рангли полиэтилен Пакети билан оғирлиги



0,60 гарммни ташкил қилганлигини, бундан ташқари ўнг чўнтагидан бир дона қизил оқ рангли бир дона таблетка ҳам аниқланганлигини, шундан сўнг икки нафар холис ва уларнинг иштирокида, ИИБ ходимлари текшириб кўриш учун мазкур гиёҳвандлик моддасига ўхшаш моддани расмийлаштириб олишганлигини, тезкор профилактик тадбир давомида, Расул тақиқланган яшил-қўнғир рангли ўткир хидли, гиёҳвандлик моддасига ўхшаш моддани ўзининг истеъмоли учун олиб юрганлигини, ушбу гиёҳвандлик моддасини Бешариқ туманига кириш жойидаги чўмиладиган, сой бўйидан ёввойи тарзда ўсиб ётганлигини кўриб юлиб, олиб истеъмоли учун, тайёрлаганлигини, бир дона қизил оқ рангли таблеткани, телеграм мессенжеридаги ботлар орқали арзимаган пулга сотиб олганлигини маълум қилганлигини, у гиёҳвандлик моддаси истеъмол қилмаганлигини, унинг Р.Кадиоровнинг ёнида гиёҳвандлик моддаси бор эканлигидан хабари бўлмаганлигини билдириб кўрсатув берди.

Суд, судланувчи Р.Кадиоровнинг айби, унинг суд мажлисида айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатмасидан ташқари, Навоий вилояти ИИБ “E-material” электрон дастуридан 31.08.2025 йилда № 441-рақам билан қайддан ўтган билдирги юзасидан олиб борилган терговга қадар текширув ҳужжатлари, 31.08.2025 йил кунидаги ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси, 31.08.2025 йил кунидаги нарсани олиш ва кўздан кечириш баённомаси, 31.08.2025 йил кунидаги Навоий вилояти ИИБ ЭКМнинг № 715 сонли экспертиза хулосаси, 31.08.2025 йил кунидаги Навоий вилояти ИИБ ЭКМнинг № 714 сонли экспертиза хулосаси, РИРСИАТМНХБ Навоий вилояти филиалининг 30.08.2025 йилдаги №494-сонли судга оид наркологик экспертиза хулосаси, ИИБ ЭКБМнинг 2025 йил 08 сентябрдаги 13.09.2025 йилдаги № 1452-сонли экспертиза хулосаси, ашъвий далил деб эътироф этиш тўғрисида қарори ҳамда бошқа иш материалларида тўпланган далиллар билан исботланган деб ҳисоблайди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан Р.Кадиоровнинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Р.Кадиоров айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан пушаймонлиги Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига кўра жазони енгиллаштирувчи ҳолатлари, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига кўра жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқ деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 29-моддасининг 6-қисмида: давлат органилари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 3-бандида “Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик



даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак” деб кўрсатилган.

Суд, судланувчи Р.Кадировга жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг характери, сабаблари ва ижтимоий хавфлилик даражасини эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 12-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорида белгиланган раҳбарий тушунтиришларга амал қилиб, унинг айбига иқрорлиги, қилмишидан пушаймонлиги инobatга олиб, айбланаётган ЖКнинг 276-моддаси 1-қисми санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашни;

Суд, Р.Кадировга нисбатан қўлланилган “Гаров” эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилишни ва гаровга қўйилган 20.000.000 сўм пулларни Р.Кадировнинг ўзига қайтаришни;

Шунингдек суд, ашёвий далил деб эътироф этилган, тадқиқот натижаларидан қолган Навоий вилояти ДХХ бошқармаси хўжалик бўлимига 2025 йил 6-ноябрь куни 000164-сонли далолатномасига асосан вақтинча сақлаш учун топширилган жами 1,06 грамм “Гашиш” гиёҳвандлик воситасини ҳукм қонуний кучга киргач тегишли тартибда йўқ қилишни;

Ашёвий далил деб эътироф этилган бир дона сариқ рангли тешиклари бор бўлган ангишвонани ва таркибида прегабалин моддаси бўлган вазни 0,34 грамм бўлган 1 дона оқ қизил рангли капсулани тегишли тартибда йўқ қилишни ҳамда Р.Кадировга ҳимоя ҳуқуқи тушунтирилганлиги ва тезкор тадбир давомида олинган видео тасвирлари юкланган 2 дона “DVD” дискни ушбу жиноят иши билан бирга сақлашни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211,454-457, 460, 463, 465-468, 471,473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И :

Кадиров Расул Рахматович (Kadirov Rasul Rahmatovich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Кадиров Расул Рахматовичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 1-қисми билан иш ҳақининг 20 (йигирма) фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ҳукм ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берган жойларда ўтатирилсин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси муддати жазони ўташ муддати у жазони ўташ учун юборилган қорхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.



Жазо ижросини назорат қилиш Фарғона вилояти Қўқон шаҳар ИИБ маъмурияти зиммасига юклатилсин.

Р.Кадировга нисбатан қўлланилган “Гаров” эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин ва гаровга қўйилган 20.000.000 сўм пуллар Р.Кадировнинг ўзига қайтарилсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган, тадқиқот натижаларидан қолган Навоий вилояти ДХХ бошқармаси хўжалик бўлимига 2025 йил 6-ноябрь куни 000164-сонли далолатномасига асосан вақтинча сақлаш учун топширилган жами 1,06 грамм “Гашиш” гиёҳвандлик воситаси ҳукм қонуний кучга киргач тегишли тартибда йўқ қилинсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган бир дона сариқ рангли тешиклари бор бўлган ангишвона ва таркибида прегабалин моддаси бўлган вазни 0,34 грамм бўлган 1 дона оқ қизил рангли капсулани тегишли тартибда йўқ қилинсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган Р.Кадировга ҳимоя ҳуқуқи тушунтирилганлиги ва тезкор тадбир давомида олинган видео тасвирлари юкланган 2 дона “DVD” диск ушбу жиноят иши билан бирга сақлансин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида, апелляция тартибида Навоий вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясига шикоят бериши ёки протест билдириши, ҳукм қонуний кучга киргач ушбу судга кассация тартибида шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи судья:

(имзо)

Б.Имомов

Аслига тўғри, судья

